



ҲАРБИЙ ЖАМОАНИНГ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

Абдурасулов Жаҳонгирмирзо

ЧДПУ Педагогика факультети
Педагогика ва психология йўналиши
1-босқич магистранти
jmra9923@gmail.com

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-February 2024 yil
Ma'qullandi: 20- February 2024 yil
Nashr qilindi: 24- February 2024 yil

KEY WORDS

Ҳарбий, жамоа, Шахс, Ёш, Аскар

ABSTRACT

Ҳарбий жамоа тушунчаси. Ҳарбий жамоанинг белгилари, Ҳарбий жамоанинг шаклланиш босқичлари, Ҳарбийлар ўртасида ўзаро жипслик-ҳарбий жамоанинг муҳим хусусияти, Ҳарбий жамоадаги ўзаро муносабатлар, Ҳарбий жамоадаги ижтимоий фикр, Ҳарбий жамоанинг психологик манзараси.

Аннотация : Ҳарбий жамоа тушунчаси. Ҳарбий жамоанинг белгилари, Ҳарбий жамоанинг шаклланиш босқичлари, Ҳарбийлар ўртасида ўзаро жипслик-ҳарбий жамоанинг муҳим хусусияти, Ҳарбий жамоадаги ўзаро муносабатлар, Ҳарбий жамоадаги ижтимоий фикр, Ҳарбий жамоанинг психологик манзараси.

Калит сўзлар: Ҳарбий, жамоа, Шахс, Ёш, Аскар

Жамоа сўзи латинча — “коллективус” сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ маъноларини англатади, аниқроқ айтиладиган бўлсак жамоа бу кишилардан иборат гуруҳ демакдир. Замонавий талқинда —жамоа|| тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа деганда кишиларнинг исталган ташкилий гуруҳи тушунилади (масалан ишлаб чиқарш жамоаси, завод жамоаси, хўжалик жамоаси ва ҳ.к.). Иккинчидан жамоа деганда юқори даражада уюштирилган гуруҳ тушунилади. Чунончи, ўқувчи тарбияланувчиларнинг бирлашмаси ўзига хос муҳим белгиларга егадир. Қуйидаги жамоа ва унинг хусусиятлари борасида сўз юритамиз.

Жамоа ва жамоа орқали тарбиялаш тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи рол ўйнаши тўғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиши давридаёқ билдирилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатининг алоҳида шакли юзасига келади. Бу эса шахснинг жамоа билан биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб ҳисоблаб бўлмайди.

Жамоа бир қатор белгиларга егадирки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гуруҳлар ажратиб туради.

Жамоа ижтимоий жамиятнинг бир қисми ҳисобланади, унда ижтимоий ҳаёт ва кишилиқ муносабатларининг барча меъёрлари ўз ифодасини топади. Зеро, жамоа

жамиятдаги мавжуд муносабатлари тизимида намоён бўлар экан, жамоа ва ижтимоий жамият мақсади, интилишида ўзаро бирлик узвий мақсадга мувофиқ ташкил етади.

Шу боис жамоа ҳаётининг бир ягона мақсадга қаратилганлиги ва ижтимоий ғоявий йўналганлиги унинг етакчи белгиси ҳисобланади.

Ҳар бир жамоа бошқа бир жамоалар билан узвий боғлиқ бўлади. Унинг ҳар бир аъзоси жамият ижтимоий фаолиятини ташкил етиш жараёнида ўз жамоаси билан биргаликда иштирок этади. Жамоани тушиниш, уни хис етиш ҳамда шахсни шакллантиришдаги ўрни ва ролини тўғри баҳолай олиш умумий ва хусусий мақсаднинг қизиқиши, еҳтиёж ва фаолиятининг бирлигини намоён этади ҳамда бўлинишига йўл қўймайди. Ҳар бир жамоа ўз-ўзини бошқариш органига еэга ва умуммиллий жамоанинг узвий қисми саналади. Шунингдек, у мақсаднинг бирлиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умуммиллий жамоа билан боғланади. Ижтимоий жамиятнинг еҳтиёжини қондиришга йўналтирилган жамоа навбатдаги муҳим хусусиятдир. Жамоа фаолиятининг ижтимоий-ғоявий йўналишини ҳам жамоанинг фаолияти мазмунида ўз аксини топиши муҳим аҳамиятга егадир. Жамоа хусусиятини аниқлашда кишилар гуруҳининг ягона ижтимоий тизимини ўрната олишдаги усули, яъни жамоани ташкил қилиш усули ҳам муҳим ҳисобланади. Педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил етилган жамоа фаолияти натижасида жамоа аъзолари ўртасидаги ишчанлик, бир-бири учу ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, жамоа манфаати учун жавобгарлиги хисси қарор топади.

Биргаликдаги фаолият умумжамият иши учун маъсулият хиссини уйғота бориб, жамоа аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради, жамоага мансублик хиссини пайдо бўлишини уйғотади, жамоа муносабатида бўлиши еҳтиёжини оширади.


Жамоа аъзолари ўртасида ўзаро гуруҳий яқинлик, ҳиссий бирлик юзага келади.

Ушбу муносабат кўпинча ўз-ўзидан пайдо бўлади ҳамда улар педагогик таъсир кўрсатиш учун қўл келади. Рухий ва ҳиссий бирлик жамоа аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини мазмунига улар орасидаги ҳосил бўлган ишчанлик фаолиятининг характериға бевосита боғлиқдир.

Ҳарбий психологияда **ҳарбий жамоа** деб, ягона ғоя ва мақсад атрофида жипслашган, ҳарбий хизматга доир муносабатлар қонунлар ва умумҳарбий низомлар талаблари доирасида ташкил этилган, ўзаро муносабатлар миллий урф-одатлар ва умуминсоний қадриятлар асосида қурилган, шахсий муносабатлар жанговар ўртоқлик ва дўстликка асосланган қуролланган кишилар жамоасига айтилади.

Бўлинманинг “шахсий таркиби” тушунчаси ҳар доим ҳам ҳарбий жамоани англатавермайди. Чунки бўлинманинг шахсий таркиби бўлиши учун битта ҳарбий бўлинмага рўйхат бўйича мансубликнинг ўзи кифоя қилади. Бу ҳолда бўлинмадаги ҳарбий ҳизматчилар ўртасида жипсликнинг йўқлиги, ўзаро ихтилофларнинг мавжудлиги, ҳарбий интизомнинг сустлиги рад этилмайди. Ҳарбий жамоа бўлиш учун ҳарбий хизматчиларнинг битта бўлинманинг умумий рўйхатида туришлиги камлик қилади. Бундан ташқари ўзаро ихтилофлар мавжуд бўлиб, ҳарбий интизом заиф бўлган жойда ҳарбий жамоа бўлмайди. Тўла маънода ҳарбий жамоа деганда маълум бир шаклланиш босқичларини босиб ўтиб, ҳарбий жамоалик белгиларига эга бўлган бўлинма шахсий таркиби тушунилади.


Ҳарбий жамоанинг **белгилари** қуйидагилар бўлиши мумкин:



Ҳарбий жамоа ўзгариб, ривожланиб турувчи ижтимоий-психологик ходиса бўлиб, ўзига ҳос ривожланиш босқичларига эга:

Биринчи босқичда командир бутун жамоа олдида ўз талабларини қўяди; Командир талабларининг жамоа аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши эса ривожланишнинг **иккинчи босқичи**ни англатади; Бу талаблар жамоанинг умумий фикрига айланганда ва жамоа ўз аъзоларининг ҳар биридан ушбу талабларни бажаришни сўрайдиган пайтда эса ривожланишнинг **учинчи босқичи** бошланади; Навбатдаги босқичда жамоа талаблари таъсирида ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзи ўзидан мана шу мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. Уларда ўз-ўзига нисбатан талабчанлик танқид қилиш ҳисси пайдо бўлиши билан ҳарбий жамоа ривожланишининг **энг юқори, олий босқичи**га эришилади.

Ҳарбий жамоанинг шаклланиш босқичлари. Ҳарбийлар ўртасида ўзаро жипслик-ҳарбий жамоанинг муҳим хусусияти.



Аммо, талаб қўйиш ҳарбий жамоа ривожининг ягона мезони эмас. Жамоа фикри ривожланиши билан бу талаблар ҳар бир ҳарбий хизматчидаги бошқалар олдидаги жавобгарлик ҳиссига айланади. Бу нарса ҳарбий интизомнинг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ҳарбий жамоалар ривожланишига ҳос бўлган ва биз юқорида санаб ўтган босқичлардан ўзларининг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳарбий хизматчи турли даражадаги қийинчиликлар билан ўтадилар.

Эндигина ҳарбий хизматга келган аскарлар ёки янги бўлинмага тайинланган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилардаги кўникиш (адаптация), жамоа бўлиб шаклланиш даврини руҳий ва жисмоний жиҳатдан меъёрида ўтказиш бўлинмадаги ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мослашиш шундай ҳодисаки, бунда атроф-муҳитдаги ва фаолиятдаги янги омиллар, шароитлар таъсирида шахс руҳиятида катта ўзгаришлар содир бўлади. Аскарнинг ҳарбий хизмат шароитларига мослашиши, ҳарбий жамоага қўшилиши жараёнига ҳарбий хизматнинг ҳамма томонлари таъсир этади. Улар қуйидагилар:

Аскарлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

Уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

Ҳарбий ва техник билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллашларига ёрдам бериш (ҳарбий-техник кўникиш);

Уларда жанг олиб бориш кўникмаларини шакллантириш (жанговар кўникиш);

Муайян бир ҳарбий жамоага қўшилиш, командирлар, бошлиқлар ва лавозими тенглар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш(ижтимоий кўникиш);

Ижтимоий муҳит яхши бўлган иноқ жамоаларда ҳарбий мутахассисликни эгаллаш жараёнидаги қийинчиликлар ҳарбий низом қоидалари тез-тез бузилиб турадиган бўлинмалардагига қараганда 3-4 марта кам бўлади. Ёки яна бир мисол: СТМ битирувчилари ўзлари ҳарбий хизмат ўтаган қисмлардан бошқа қисмларга хизматга жўнатилганда уларда кўникиш билан боғлиқ қийинчиликлар ўзининг ҳарбий қисмдаги янги лавозимга кўникишга қараганда анча кўп бўлади.

Кечаги ўқувчи, талаба ёки ишчини фуқаролик ҳаётидан ҳарбий хизмат шароитига бирданига ўтказиш ҳар қил кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бу босқич командирлар назорати остида амалга оширилади. Ёш аскардаги характер, қобилият ва кўникмалар бу даврнинг қандай ўтишини белгилаб беради. Масалан, дилкаш аскар хизматга ҳос бўлган ҳарбий низом талабларини ва ахлоқ меъёрларини тезда ўзлаштириб олади. Бундайлар жамоа топшириқларини ҳам иштиёқ билан бажарадилар ва бошқа сафдошларига бажонидил ёрдам берадилар. Одатда, улар мустаҳкам ахлоқий-иродавий хусусиятга эга бўладилар.


Худбин аскар эса унга командирларнинг назарига тушишига ёрдам берадиган ва уни юқори мавқега кўтарадиган ишлар билан шуғулланади. У кўп ҳам кўзга ташланавермайдиган, ҳар вақт командирлар пайқайвермайдиган «қора» ишлар билан бошқалар қатори шуғулланишни ёқтирмайди. Кўникиш жараёнида янги келган аскарлар дунёқараши, одатлари ва умуман руҳиятида қайта қуришлар юз беради.

Ҳарбий жамоадаги ўзаро муносабатларнинг таркиби (хизмат доирасидаги,

хизматдан ташқари, шахсий). Ҳарбий жамоадаги ўзаро муносабат тамойиллари: яккабошчилик ва қатъий субординатсия, инсонпарварлик, жамоавийлик. Ўзаро муносабатларнинг ривожланишида тақлид ва мусобақанинг ўрни.

Муайян бир бўлинма ҳарбий хизматчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ушбу жамоа психологиясининг муҳим элементи ҳисобланади.

Ҳамкорликдаги ҳаёт ва фаолият жараёнида жамоадаги кишилар ўртасида пайдо бўладиган ҳар қил алоқа ва мулоқат шаклларига *ўзаро муносабатлар* дейилади.



Хизматга оид муносабатлар хизматни ўташда, жангда ва кундалик ҳаётда нихоятда зарур бўлиб, ҳар бир кишидан энг аввало жанговар, хизматга ва меҳнатга оид, ижтимоий-сиёсий мажбуриятларни сўзсиз бажаришни тақозо

этади. Ушбу ўзаро муносабатлар ҳарбий жамоанинг ташкилий тузилишида расман мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари улар ҳарбий низом, буйруқ, қоида ва қўлланмаларда баён этилган бўлади. Командирларнинг фаолиятлари ушбу ўзаро муносабатларни қарор топтиришга, мустаҳкамлашга ва бошқаришга қаратилади.

Бўлинмадаги ўзаро муносабатлар кишилар ҳуқ-атвorigа жуда кучли таъсир кўрсатади. Аскарнинг ўз командирига бўлган ички субъектив муносабати унда ҳарбий хизматга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Қандайдир сабабларга кўра ушбу муносабат салбий бўлса, бўйсунуш мажбурий, хизмат жараёни эса зерикарли бўлади, натижада келишмовчилик ва кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқади. Аксинча, командир ва аскар ўртасидаги ижобий муносабат хизматни осонлаштириб, уни сеvimли машғулотга айлантиради. Бу эса аскарларда керакли жанговар сифатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ҳарбий хизматчилар ўзаро муносабатларда хизматга боғлиқ бўлмаган масалаларни ҳам муҳокама қилишлари, фикр алмашишлари мумкин. **Бундай муносабатларга хизматдан ташқари муносабатлар** дейилади. Хизмат даврида ҳам, ундан ташқарида ҳам ирода, онг ва ҳиссиётга эга бўлган кишилар ўзаро муносабатга киришадилар. Шунинг учун ҳам хизматга оид муносабатларни шахсий муносабатлардан, шахсий муносабатларни эса хизматдан ташқари муносабатлардан бутунлай ажратиб бўлмайди. Бу эса ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларнинг чуқур руҳий-эмоционал мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

Инсонларга ўтказадиган таъсирига кўра, **шахсий муносабатлар ўзаро муносабатлар** тизимида алоҳида ўрин тутати. Бундай муносабатлар стихияли равишда қарор топади (ёқтириш, ёқтирмаслик, бефарқлик, дўстлик хайрихоҳлик ва ҳоказо). Кундалик ҳаётда бундай муносабатларга ҳар доим ҳам эътибор берилавермайди. Аммо, шахсий муносабатлар катта таъсир кучига эга бўлиб, доимий эътиборни ҳамда изчил бошқарувни тақозо қилади.

Бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар яккабошчилик, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларда маълум масофани сақлаш (субординация), ўзаро ҳурмат ва бошлиқларнинг обрўси каби тамойилларга асосланади. Бошлиқ ва командирларга сўзсиз бўйсунуш ҳарбий хизматчи шахсини ерга урмайди. Чунки, уларнинг қизиқишлари ўзаро мос келади, улар бир мақсад-Ватан ҳимояси учун хизмат қиладилар.

Бундан ташқари яна ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар бошлиқлар ва бўйсунувчилар, катталар ва кичиклар, шунингдек ўзаро тенглар ўртасидаги муносабатларга бўлинади.

Ўзаро муносабатларнинг ҳар қандай шаклида турли ҳил ижтимоий-психологик ходисалар юз бериб туради. Шундай ходисалардан бири **тақлид** бўлиб, инсон шахсининг камол топишида унинг ўрни беқиёс, ҳар қандай инсон ҳаётда кимгадир тақлид қилади, унга ўхшашга ҳаракат қилади.

Психологлар тили билан айтганда инсонлардаги ижтимоий билим ва тажриба манбааларидан бири — тақлиддир.

Муносабатларда пайдо бўладиган яна бир ижтимоий-психологик ходиса

мусобақа ёки **ўзаро рақобат** ҳисобланади. Мусобақа инсонларни фаоллаштирувчи таъсир кучига эга. Ушбу ходисадан бўлинмалардаги жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик даражасини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса.

Ҳарбий психологияда ҳарбий жамоа умуман олганда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларда жамоа тушинчаси муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Берилган вазифалар, топшириқлар, жанговар вазифаларни бажаришда жамоа бўлиб ҳаракатланиш жуда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларида бўлинмалардаги жанговар тайёргарлик ва ички интизомни мустаҳкамлаш мақсадида офицерларнинг жамоа фикридан ҳар томонлама фойдаланишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек барча талаблар жамоа бўлиб ҳаракатланишга, ҳарбий хизматчиларнинг бир бири билан ўзаро боғлиқликда командир ва буйсунувчи, катта ва кичик тушунчалари билан боғлаб қўйган. Шундай экан ҳарбий хизматчилар бир-бири билан ўзаро боғланган ва бу жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ундайди.

Асосий адабиётлар:

1. . Зуннунов А., Хайруллайев М. Педагогика тарихи.- Т.: Шарқ, 2000.
2. Ирисов А. Абу Райҳон Беруний. 100 ҳикмат. Ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбойева М.Х ва бошқ Ўқув-тарбия жараёнига педагогик технологияларни жорий етиш.- Т.: ЎзПФИТИ, 2004.
4. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри /Тузувчи: М.Маҳмудов, маъсул муҳар. М.Хайруллайев. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Ҳасанбойева О.У., Ҳасанбойев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
6. Ч.Р.Насриддинов «Ҳарбий психология» Фан нашриёти, Тошкент 2004 й.
7. А.Сотиб-Олдиев, А.Каримжонов «Ҳарбий педагогика» Шарқ нашриёти, Тошкент 2005 й.
8. Қ.А-Ш.Сатиб-Алдиев «Ҳарбий психология ва педагогика асослари» ТДПУ нашриёти, Тошкент 2003 й.
9. А.С.Абдуқодиров, Ғ.Аҳмедов Ҳарбий хизмат ахлоқи. Ўқув Қўлланма Шарқ нашриёти, Тошкент 2007 й.
10. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7244584>
11. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7239000>
12. www.youtnelimatechange.net
13. www.wwt.ru